

Тафриқадан ҳазир бўлиш

Image not found or type unknown



11:30 / 21.02.2024 1674

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرُّ رَذِي بَأَنْ نَع
هَيْلَعُ هَلْ لَّا يَلْصَقُ بِنَلَا نَع
قَرَأَفُ نَمُ «: لَأَقَمُّ لَسَو
عَلَخُ دَقَفُ أَرْبَشُ عَامَجُ لَّا

هَقُنْ عُنْمِ الْمَسْأَلَةِ قَبْر

Абу Зар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ким жамоатдан бир қарич узоқлашса, бўйнидан Ислом бўйинбоғини ечган бўлади»**, дедилар».

Шарҳ: Бошқача айтиладиган бўлса, бу иборанинг маъноси Исломдан чиқади, деганидир. Шунинг учун мусулмонлар оммасидан четга чиқмаслик лозим.

هَلَلَا يَلَصُّ بِبَنِي آلِ نَعْمَانَ عُو
فِيكَ» : لَأَقَمَّ لَسَوْ هِيَ لَع
يُدْعَبُ نَمُّهُ مِثْلُ أَوْ مُتْنًا
«عِيْفُ لَأَذْهَبَ نُوْرُ ثَأْتِ سِي
كَتَعَبُ يَدُّ لَأَوْ نَذِيًّا تُلُقُ
يَلَعُ يَفِي سَعُضًا قَحْلَاب
يَّتَحَرَّبُ بِرُضَا مُثَّ يِقْتَاع
يَلَعُ كَلْدًا أَلَوًّا» : لَأَقَمَّ كَأَقْلًا
يَّتَحَرَّبُ رَبُّ صَتَّ؟ كَلِّذْ نَمْرِي خ

عَاقِبَةُ ثَلَاثٍ لِهَذِهِ يَوْمٍ . «يَنْأَقِلَاتِ دُوَادُ وَبَأُ»

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлар мендан кейин келиб, мана бу ўлжани ўзлариники қилиб оладиган имомларга қандоқ муносабатда бўласизлар?»** дедилар. «Сизни ҳақ ила юборган Зот ила қасам, қиличимни елкамга олиб, сизга етишгунимча у билан жанг қилайми?» дедим. У зот: **«Сенга бундан ҳам яхши нарсани айтайми? Менга етишгунингча сабр қиласан»**, дедилар».

Ушбу уч ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бундан давлат мол-мулкини ўзиники қилиб олган ҳукмдорларга қарши қурол кўтариб, жанжал қилгандан кўра сабр қилиш афзаллиги келиб чиқади.

عَنْ هَلْ لِي ضَرْمٌ عَبَطَخٍ وَ
أَهْيَا لَأَقْفِةً بِأَجْلَابِ
مُكِّيٍّ فُتْمُقٍ يَنْبِئُ سَأْنَلَا
يَلَصُّ هَلْ لِي لُؤْسَرٍ مَأَقَمَكِ
أَنْ يَفَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ هَلْ لِي
يَبْأَخْ صَأْبُ مُكِّيٍّ صَوُأُ» : لَأَقْفِ

مُتْمُهُ نَوْلِي نِي دَلَامُتْ
وَشْفِي مُتْمُهُ نَوْلِي نِي دَلَامُتْ
لُجْرَلَا فِلْحِي يَّتْحُ بِدَكْلَا
دَهْشِي وَفَلْحَتْ سِي آلَو
آل آلَا، دَهْشَتْ سِي آلَو دِهْشَلَا
نَاكْ آلَا إِةْ أَرْمَابْ لُجْرَنْ نَوْلْحِي
مُكْيَلَعْ، نَاطِي شَلَا أُمَّهْ شَلَاثْ
ةْ قَرْفَلَاوْ مُكْ أَيَاوِةْ عَامَجَلَابْ
وَهُوَ دِحْ أَوْلَا عَمْ نَاطِي شَلَا نِإْفْ
دَارَا نَمْ. دَعْبَا نِي نُنْثَالَا نَمْ
مَزَلِي لَفِةْ نَجَلَا عَحْ وَبُحْبْ
هُتَنْ سَحْ هَتْ رَسْ نَمْ عَامَجَلَا
مُكْلَدَفْ هَتْ يِّي سْ هَتْ عَاسْوَ

نَوْمُ لَإِ

Умар розияллоҳу анху Жобияда хутба қилиб, шундай деди: «Эй одамлар! Мен ҳозир орангизда тургандек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бизнинг орамизда туриб, шундай деганлар: **«Сизларга асҳобларимни, сўнг улардан кейингиларни васият қиламан. Кейин ёлғон тарқайди, ниҳоят, бир кишидан қасам талаб қилинмаса ҳам қасам ичадиган, гувоҳлик талаб қилинмаса ҳам гувоҳлик берадиган замон келади. Огоҳ бўлинглар! Эркак билан (номахрам) аёл холи қолса, учинчилари шайтон бўлади. Жамоатни маҳкам тутинглар, тафриқадан ҳазир бўлинглар. Шайтон ёлғиз киши биландир, у икки кишидан узоқроқ бўлади. Ким жаннатнинг қоқ ўртасини истаса, жамоатни маҳкам тутсин. Ким яхшиликларидан хурсанд бўлса, ёмонликларидан маҳзун бўлса, ана ўша ҳақиқий мўминдир».**

Шарҳ: Бу ерда ҳам мусулмонларни динни маҳкам тутган оммадан, жамоадан ажрамасликка тарғиб қилиш бор.

هَلَلَا يَلَصَّ يَبْنَ لَل لِي قَو
نَاكَ نَاتِي أَرَأَيْمَ لَسَو هِي لَع
أَنْ قَح أَنْ وُعَنْ مِيْءَ أَرْمُ أَنْ يَلَع
لَاقَفْ مُمْهُ قَح أَنْ وُلَّ أَسَيَّو
أَمْ نِإْفِ أَوْعِي طَأْو أَوْعَمْ سَا
أَمْ مُمْ كَيْ لَعَو أَوْلَمْ حَ أَمْ مُمْ هِي لَع
يِ ذِمْرَتِ لَأَمْ هَأَوْر . «مُتْلَمْ ح

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Тепамизга ҳаққимизни бермайдиган, лекин биздан ҳаққини сўрайдиган амирлар келса нима қилайлик?» дейишди. У зот: **«Қулоқ солиб, итоат қилинглр. Уларга ўзининг гуноҳи, сизларга ўзингизнинг гуноҳингиз»** , дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бунда мусулмонлар орасида фитна чиқиб, уларнинг бошига катта мусибатлар тушишига сабаб бўлмаслик кўзда тутилган.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан